

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

10-сон
(1030)
2022 йил
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

101. «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 мартдаги ЎРҚ–758-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

102. «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон Фармони

Бешинчи бўлим

103. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 28 февралдаги 312/6-сон

- «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-5*)
104. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 28 февралдаги 312/7-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 38-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-8*)
105. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 7 мартдаги 4-мх-сон «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг 35-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988-5*)
106. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 21 февралдаги 2/8-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3229-2*)
107. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 21 февралдаги 2/9-сон «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-4*)
108. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 5 мартдаги 52-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3352*)
109. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 10 мартдаги 3-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 2 мартдаги 708-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 10 мартдаги 6-сон ««Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-7*)

110. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 10 мартдаги 5-мх-сон «Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-2*)
111. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 17 февралдаги 3-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 11 февралдаги 2022-05-сон ҳамда Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 11-МН-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3053-1*)
112. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг 2022 йил 4 мартдаги 12/02-22-00480-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидалари, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-6*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

101 Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 17 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 мартда эълон қилинган.

471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **184-модда:**

номидаги ҳамда биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги «бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «йиғимларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **188-модданинг иккинчи қисмидаги** «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165,

166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-модда, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қўйидаги мазмундаги **17³-модда** билан тўлдирилсин:

«17³-модда. Солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги

Солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган, ушбу Кодекс 175-моддасининг иккинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юридик шахснинг раҳбари ёки яқка тартибдаги тадбиркор маъмурий жавобгарликка тортилади»;

2) **164-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «бир бараваридан беш бараваригача» ва «беш бараваридан етти бараваригача миқдорда» деган сўзлар тегишинча «ўн баравари» ҳамда «йигирма баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда» ва «етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар тегишинча «йигирма беш баравари миқдорида» ҳамда «қирқ баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг санкциясидаги «ўн бараваридан эллик бараваригача» ва «қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорда» деган сўзлар тегишинча «етмиш баравари» ҳамда «саксон баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар учун нақд пул маблағлари билан ёки пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар шаклига қараб, уларнинг нархларини сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

еттинчи қисми саккизинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) **166-модда** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«166-модда. Товарларни (маҳсулотларни) уларнинг сифатини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш ёки мажбурий равишда рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ва са-

ноат товарларини (маҳсулотларини) уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиши, худди шунингдек сотиш мақсадида олиш —

товарларни (маҳсулотларни) мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

товарларни (маҳсулотларни) мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот мавжуд бўлмаган товарларни реализация қилиш, худди шунингдек реализация қилиш мақсадида олиш —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонунчиликда мажбурий рақамли маркировкаканиши белгиланган товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкаканиши қоидаларини бузиш —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

4) 174-модда:

номидаги «бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «йиғимларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг диспозициясидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг санкциясидаги «уч бараваридан беш бараваригача» ва «беш бараваридан етти бараваригача миқдорда» деган сўзлар тегишинча «ўн баравари» ҳамда «ўн беш баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда» ва «ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар тегишинча «йиғирма баравари миқдорида» ҳамда «ўттиз баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 175-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«175-модда. Солиқ солиш объектларининг ҳисобини ва ҳисоботини юритишнинг белгиланган тартибни, шунингдек тўлов интизомини бузиш

Фойда (даромад) ёки бошқа солиқ солиш объектларининг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда юритиш, агар бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқларнинг ёки

йиғимларнинг суммасини камайтиришга олиб келса, шунингдек солиқларни ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, худди шунингдек камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган тафовутларнинг асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаслик, — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаслик — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса — ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тўлов интизомини бузиш, шу жумладан қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкассо топшириқларини бажармаслик, корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар мавжуд бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини буздиган ҳаракатларни амалга ошириш —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотнома-сиз корхоналар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ҳисобварақларини ёки бошқа ҳисобварақларни очиш —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка солиқ тўловчи томонидан тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш ва солиқ органларига тегишли ахборот бериш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузиш —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

6) 175⁵-модда:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

7) 176-модданинг тўртинчи қисмидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) 245-модданинг:

биринчи қисмидаги «174¹, 175» рақамлари «174¹-моддасида, 175-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишлари бўйича судлар якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқади, бундан ушбу Кодекс 60-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 60¹, 65, 68, 68¹, 99-моддасида (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида), 175-моддасининг биринчи, учинчи ва олтинчи қисмларида ва 283-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

9) 264-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларига ушбу Кодекс 159¹, 168-моддасида, 174-моддасининг учинчи қисмида, 215³-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Ушбу Кодекс 175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат солиқ органларига тааллуқлидир»;

10) 271-модда биринчи қисмининг 11-бандидаги «175-моддасининг биринчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар «175-моддасининг биринчи, иккинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 283-модданинг тўртинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган, шунингдек солиқ ёки божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ёки Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали қайд этилган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди»;

12) 287-модданинг 8-бандидаги «165¹, 166, 170-моддаларида» деган сўзлар «165¹-моддасида, 166-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 170-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) қўйидаги мазмундаги 309³-модда билан тўлдирилсин:

«309³-модда. Солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима солиш тўғрисидаги қарор

Солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими ор-

қали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима солиш тўғрисидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг иштироки-сиз чиқарилади.

Солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима солиш тўғрисидаги қарор электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини қўллаш орқали олинган материаллар илова қилинган ҳолда мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида солиқ тўловчининг (ҳуқуқбузарнинг) шахсий кабинетига юборилади.

Солиқ органларининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима солиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак: қарорнинг рақами; қарор чиқарилган сана ва жой; қарорни чиқарган органнинг номи, мансабдор шахснинг лавозими ҳамда фамилияси, исми, отасининг исми; солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами; маъмурий жавобгарликка тортилаган шахс тўғрисидаги маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва ҳуқуқбузарликнинг тавсифи; ушбу Кодекс Махсус қисмининг содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси; тайинланган жарима ва уни тўлаш тартиби; жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 10-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод қилинади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бўлимларининг бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларидаги ички аудит, шунингдек шахсий хавфсизлик бўлимларининг мансабдор шахслари, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарлари, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси бўлимларининг бошлиқлари, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг шахсий хавфсизлик бўлими мансабдор шахслари, туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғи билан тайинланади»;

2) **15-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига давомийлиги йигирма тўрт иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътиллер берилади. Давлат солиқ хизмати органларининг ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган мансабдор шахсларига давомийлиги беш иш кунидан, йигирма беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган мансабдор шахсларига эса давомийлиги ўн иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллер берилиши мумкин. Бунда таътиллер учун ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Валютани тартибга солиш тўғрисида**»ги 841–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–573-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил № 10, 672-модда, 2021 йил № 1, 16-модда, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ташқи савдо операцияларининг бажарилиши устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) қуйидаги мазмундаги **11¹-модда** билан тўлдирилсин:

«11¹-модда. Ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилинишини таъминламаганлик учун жавобгарлик

Норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан бир юз саксон кун ўтганидан кейин кўпи билан қирқ беш кунда (кичик тадбиркорлик субъектлари учун тўқсон кунда) ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилишни таъминламаган резидентлар республика бюджети даромадига:

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан уч юз олтмиш кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 5 фоизига тенг миқдорда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан уч юз олтмиш кундан беш юз қирқ беш кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда қўшимча равишда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан беш юз қирқ беш кун ва ундан ортиқ муддатга кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 35 фоизига тенг миқдорда қўшимча равишда жарима тўлайди.

Енгиб бўлмас куч таъсири юзага келганда активларни репатриация қилиш муддати енгиб бўлмас кучнинг таъсир муддатига узайтирилади. Енгиб бўлмас куч таъсири ҳолатлари юз берганлиги ушбу ҳодиса ўзида содир бўлган давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Экспортга оид контрактнинг суғурта полиси бўйича суғурта товони суммаси резидентларнинг ҳисобварағига келиб тушганда (миллий ва (ёки) хорижий валюталарда) жарима қўллаш мақсадида мазкур экспортга оид контракт бўйича дебитор қарздорлик суммаси келиб тушган суғурта товони суммасига камайтиради.

Ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилиниши таъминламаганлик учун жарималар қўйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

асбоб-ускуналарни ва (ёки) бутловчи қисмларни етказиб бериш муддатлари уларнинг техник тавсифларига ҳамда ўзига хос хусусиятига қараб бир юз саксон кундан ортиқ этиб белгиланган импортга оид контрактлар бўйича етказиб бериш муддати даврида;

транспортда ташиш ёки сақлаш чоғида тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра яроқсиз ҳолатга келган товарлар давлат органлари томонидан йўқ қилинганлигини ёхуд мусодара қилинганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилган тақдирда;

агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида тузилган импортга оид контрактларда ёки маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларни амалга ошириш доирасида бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган импортга оид контрактларда белгиланган муддатлар бузилмаган бўлса;

агар экспорт операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорликнинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик юзага келган санадан олдинги ўттиз олти ой ичида таъминланган валюта тушумининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаса;

жарима қўллаш тўғрисидаги иш бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар ушбу Қонун талабларига мувофиқ репатриация қилинган активлар суммасига нисбатан.

Жарима тўқсон кунлик муддат ичида ташқи савдо операциялари бўйи-

ча репатриация қилинган активлар суммасига мутаносиб равишда ўн кунлик муддатда ихтиёрий тарзда тўланган тақдирда, тўланган жарима суммаси резидентга қайтарилади.

Суд ҳужжати қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан тўқсон кун ичида ташқи савдо операциялари бўйича активлар тўлиқ репатриация қилинган тақдирда, тўланган жарима қайтарилади, жарима қўллаш тўғрисидаги ишни юритиш тугатилади ва мажбурий ундириш учун кўрилган барча чоралар бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахснинг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жарималарни ундириш ундирилиши лозим бўлган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида тўловларни бўлиб-бўлиб ҳар ойда тўлаш имконияти берилган ҳолда амалга оширилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда; № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **47-модданинг олтинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисобварақ-фактуранинг шакли ва уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

2) **89-модданинг саккизинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ундирилиши бошқа давлат органлари ва ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган давлат божининг ҳамда бошқа йиғимларнинг бюджет тизимига тушумларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

3) **90-модданинг олтинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчининг топшириқномаси ёки солиқ органининг инкассо топшириқномаси бажарилмаганлиги (қисман бажарилганлиги) тўғрисидаги банк хабарномасининг шакли ва уни электрон шаклда узатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

4) **112-модданинг бешинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ва тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисидаги солиқ органининг қарорларини банкка электрон шаклда юбориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

5) **113-модданинг тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор банкка электрон шаклда юборилганда банк ушбу қарорни олган сана ва вақт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тартибда белгиланади»;

6) **114-модданинг ўн учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчининг мол-мулкани хатлаш видеотасвирга олинган ҳолда, бундай имконият мавжуд бўлмаганда эса — ҳолислар иштирокида амалга оширилади»;

7) **129-модда учинчи қисмининг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жойида ёки ўз яшаш жойида»;

8) **134-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ахборотни банк томонидан маълум қилиш тартиби ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ органи томонидан банкка сўров юбориш шакли ва тартиби ҳамда банклар томонидан солиқ органларининг сўровларига кўра ахборот тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

9) **138-модданинг йигирма тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Камерал солиқ текшируви ўтказиш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

10) **139-модданинг:**

саккизинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўққизинчи қисми саккизинчи қисм деб ҳисоблансин;

саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайёр солиқ текшируви ўтказиш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

11) **140-модданинг ўн учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ аудити ўтказиш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

12) **145-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўздан кечириш видеотасвирга олинган ҳолда амалга оширилади, бундай имконият мавжуд бўлмаганда эса — ҳолислар иштирокида амалга оширилади»;

13) **153-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«153-модда. Солиқ назоратини амалга оширишга доир ҳаракатларнинг холислигини таъминлаш

Солиқ назоратини амалга оширишга доир ҳаракатларнинг холислиги видеотасвирга олиш қурилмаларидан фойдаланиш воситасида амалга оширилади, бундай имконият мавжуд бўлмаганда эса — холислар иштирокида амалга оширилади.

Видеотасвирни ёзиб олиш тўхтовсиз ва изчил равишда олиб борилади. Видеотасвир материалларининг кўчирма нусхаси солиқ тўловчига ёки унинг вакилига солиқ назоратига оид тадбир тугагач тақдим этилади.

Солиқ назоратини амалга оширишга доир ҳаракатларда видеотасвирга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Қонунчиликда видеоёзув тақиқланган ҳолларда ёки видеоёзувга олиш имконияти мавжуд бўлмаганда холислар солиқ назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларга мажбурий тартибда жалб этилади»;

14) **173-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ органининг талабига кўра телекоммуникация алоқа каналлари орқали электрон шаклда ҳужжатлар тақдим этиш тўғрисидаги талабномани юбориш ва ҳужжатларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

15) **174-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ органи асослантилган фикрининг шакли ва уни тузишга доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

16) **209-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл юридик шахсларида иштирок этиш тўғрисидаги хабарноманинг ва назорат қилинадиган чет эл компаниялари ҳақидаги хабарноманинг шакли, шунингдек уларни тўлдириш ҳамда тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

17) қуйидаги мазмундаги **227¹-модда** билан тўлдирилсин:

«227¹-модда. Фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни, шунингдек товарларни (маҳсулотларни) идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш

Фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахбо-

рот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузиш, шунингдек товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш —

реализация амалга оширилган охириги ҳисобот чорагида олинган соф тушум миқдориди жарима солишга сабаб бўлади»;

18) **248-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **257-модда учинчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **261-модда учинчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **274-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ суммаларининг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари, ушбу моддага мувофиқ камерал солиқ текширувини ўтказиш тартиби, шунингдек чет давлатлар фуқароларига солиқ суммаларини қайтариш (TAX FREE) тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

22) **426-модда иккинчи қисмининг 12-банди** «кўп квартирали уйлар» деган сўзлардан кейин «ва ётоқхоналар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

23) **483-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи — ўн бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизирик, Музработ, Шеробод туманларида, тоғли ҳудудларида ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтиб, янгидан ташкил этилган ва ушбу туманларда (ҳудудларда) ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан кластерлар мустасно) юридик шахслардан олинадиган ер солиғини, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, айланмадан олинадиган солиқни, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммасини тўлашдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.

Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларида ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтиб, янгидан ташкил этилган ва ушбу ҳудудларда ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан кластерлар мустасно) 2021 йил 10 сентябрдан 2024 йил 1 январга

қадар бўлган даврда фойда солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди.

Ушбу модданинг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида кўрсатилган тоғли ҳудудларнинг ҳамда ер майдонлари шўрланган ҳудудларнинг рўйхати халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида фавқулодда ҳодиса оқибатида зарар кўрган балиқчилик, чорвачилик ҳамда паррандачилик хўжаликлари юридик шахслардан олинadиган ер солиғини ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан 2020 йил 1 майдан 2022 йил 1 ноябрга қадар озод қилинади. Бунда зарар кўрган балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик хўжалиқларининг рўйхати халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши томонидан тасдиқланади».

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддаси ва 5-моддасининг 17-банди ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади (бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно).

Ушбу Қонун 2-моддасининг 3-банди тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари ҳамда 5-моддасининг 17-банди (товарларни (маҳсулотларни) идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш қисмида (тамаки, алкоголь ва пиво маҳсулотларидан ташқари) ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 5-моддаси 23-банди иккинчи хатбошисининг қоидалари 2021 йил 1 июлдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 5-моддаси 23-банди учинчи хатбошисининг қоидалари 2021 йил 10 сентябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 5-моддаси 23-банди бешинчи хатбошисининг қоидалари

2020 йил 1 майдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 март,
ЎРҚ-758-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

102 Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур 1-иловага** мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланади;

мазкур юридик шахсларнинг ушбу банд иккинчи хатбошисида кўрсатилган ходимлар олдидаги мажбуриятлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланган ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳажмида камайтирилади.

3. Хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 мартда эълон қилинган.

** 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

а) олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан сиртки ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фойсиз таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм ресурс маблағлари йўналтирилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) икки ой муддатда мазкур кичик бандда назарда тутилган маблағларни ажратиш графигини тижорат банклари кесимида тасдиқласин;

б) давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш мақсадида, Давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 миллиард сўм молиялаштирилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2022 йил 1 сентябрга қадар давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг давлат олий таълим муассасалари кесимида рўйхатини шакллантирсин ҳамда 2022 йил 1 октябрга қадар контракт тўловларини қоплаб берсин;

в) хорижий олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим дастурлари бўйича — 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича — 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали кўшимча грантлар ажратиб борилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ушбу кичик бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун «Эл-юрт умиди» жамғармасига ҳар йили Давлат бюджетидан камида 6 миллиард сўм ажратилишини таъминласин;

г) ҳар йили Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Қўмита) тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 150 нафардан жами 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб борилсин.

Қўмита (З.Б. Махкамова) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) икки ой муддатда мазкур кичик бандда назарда тутилган эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш, уларга тавсиялар бериш ва таълим контрактларини қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизларни ҳар йили Қўмита тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилсин.

Қўмита (З.Б. Махкамова), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) ҳамда Давлат тест маркази (М.М. Каримов) бир ой муддатда мазкур кичик бандда назарда тутилган алоҳида квоталарни давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш, хотин-қизларга тавсиялар бериш, алоҳида тест синовларини ўтказиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

е) давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиб борилсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахманов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) икки ой муддатда хотин-қизлар учун мазкур кичик бандда назарда тутилган мақсадли квоталар давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари кесимида тасдиқланишини таъминласин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг:

асосан хотин-қизларга дизайн, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тармоқлар иктисодиёти, маркетинг ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берадиган алоҳида университетни;

ушбу университет ҳузурида пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида босқичма-босқич худудий техникумларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов), Қўмита (З.Б. Махкамова), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артикходжаев) икки ой муддатда университет фаолиятини йўлга қўйиш, унинг моддий-техника таъминоти ва жойлаштирилиши бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Хотин-қизларни илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахманов):

Қўмита (З.Б. Махкамова) билан биргаликда ҳар йили март ойида амалий инновацион лойиҳалар бўйича «Олима аёл» танловини ўтказиб борсин; икки ой муддатда «Бўлажак олим» танлови доирасида «Аёллар бизнеси учун биринчи қадам» танловини ўтказиш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида 10 миллиард сўм ажратилишини таъминласин.

6. Қўмита, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг хотин-қизлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш, стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Қўмита ҳузурида «Олима аёллар жамияти»ни тузиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Қўмита (З.Б. Махкамова) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда «Олима аёллар жамияти»ни ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда

«Олима аёллар жамияти»га хотин-қизларни амалда қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш учун Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратиши назарда тутилсин.

7. 2022 йил 1 июндан бошлаб давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳузурида малакани баҳолаш марказлари ташкил этилади;

малакани баҳолаш марказлари касбий малака талабларини ишлаб чиқади ва салоҳиятли таълим муассасаларига давлат буюртмасини беради;

ўқув курсларини тугатган хотин-қизлар билими даражаси малакани баҳолаш марказлари томонидан аниқланади ва шу асосда уларга малака сертификатлари берилади;

малака сертификатини олган хотин-қизларга меҳнат фаолиятини бошлаши учун ўқиш харажатларига тенг миқдорда малакани баҳолаш марказлари томонидан субсидиялар берилади;

малакани баҳолаш марказлари томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар мактаблари, академик лицей ва коллежларнинг битирувчи синф ўқувчи-қизларини ахборот технологиялари йўналишларида қўшимча курсларда ўқитиш бўйича давлат буюртмаси берилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга асосан 2022 йилда хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларига 17,1 миллиард сўм миқдоридаги грант маблағлари ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қишлоқ жойларидаги аёлларни касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш ва иш билан таъминлаш лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб:

ҳар йили нодавлат ташкилотларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 минг баравари миқдоригача грантлар бериш учун Давлат бюджетидан камида 50 миллиард сўм Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига ажратиб борилсин;

туман (шаҳар) сектор штаблари жойлашган биноларнинг камида биттадан хонасида ўқув курсларини ўтказиш учун зарур шароитлар яратилсин.

9. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларининг реестри (кейинги ўринларда — Реестр) жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев):

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар туманларда меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойлари рўйхатини шакллантирсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Реестрни шакллантириш ва юритиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки, 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар Реестрга киритилган ҳудудлардаги умумий ходимлари сони камида 10 нафар бўлган ва уларда ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган кичик тадбиркорлик субъектларига:

Реестрга киритилган ҳудудда жойлашган объектлар бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғи 50 фоиз имтиёз қўллаган ҳолда ҳисобланади;

уларда ишловчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига ижтимоий солиқ 1 фоизлик ставкада ҳисобланади;

бюджет ташкилотларига йиллик умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 750 бараваригача бўлган маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилади;

улар томонидан кўчмас мулк ижарага олинганда 3-иловага* мувофиқ имтиёзлар берилади.

10. Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси таркиби тасдиқланганлиги, Олий Мажлис Сенати раиси Т.К. Нарбаева — комиссия раиси ҳамда Бош вазир ўринбосари З.Б. Махкамова ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.М. Рафиқов — комиссия раиси ўринбосарлари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси (Т.К. Нарбаева) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи «Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури»ни тасдиқласин ва ижрога қаратилишини таъминласин:

а) Давлат бошқаруви академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ҳар йили камида 100 нафар хотин-қизларни ўқитиш;

б) 2024 йил 1 январга қадар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари орасида хотин-қизларнинг улушини камида 30 фоизга етказиш;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг камида 1 нафар ўринбосарини хотин-қизлар орасидан тайинлаш. Бунда, мазкур талаб тегишли ташкилот раҳбари хотин-қизлар орасидан тайинланганда ёки унда фақат бир нафар ўринбосар бўлган тақдирда мажбурий ҳисобланмайди.

11. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида хотин-қизларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун 2022 йилда қўшимча 1 триллион сўм ажратсин.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари (С.М. Холхўжаев, А.А. Камалов, Д.Ш. Султанов) 2022 йилда мазкур дастур доирасида ажратилаётган маблағларнинг жами 4 триллион сўм қисми тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган хотин-қизларга йўналтирилишини таъминласин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) уч ой муддатда хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро молия институтларининг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги молиявий ресурслари жалб этилишини таъминласин.

13. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга ажратилаётган субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга оширилади;

«Хунарманд» уюшмаси қошидаги хунармандчилик марказларида камида 40 фоиз тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилади.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги (С.М. Холхўжаев), Қўмита (З.Б. Махкамова) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) икки ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган «Бизнес аёллар» дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тадбиркорлик субъектлари орасида хотин-қизларнинг улушини 40 фоизгача етказиш;

хотин-қизларга ўз томорқасида гул ва мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни йўлга қўйиш учун 35 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратиш.

15. 2022 йил 1 июндан бошлаб маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) ташкил қилинсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари марказларни барпо этиш учун ҳар бир маҳалладан 300 квадрат метргача бўлган ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бўш турган давлат мулки объектини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида маҳаллаларга ажратсин;

марказлар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан барпо этилиши назарда тутилсин;

барпо этилган марказлар маҳаллалар томонидан тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли ижарага берилсин.

16. Хотин-қизларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида:

а) 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилсин;

б) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган, шу жумладан, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни «Халқпарвар» комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилсин;

в) уй-жойга муҳтож, жумладан хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача бўлган қисми «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб зарур маблағлар ажратиб борилсин;

ушбу бандда кўрсатилган имтиёزلардан фойдаланиш учун хотин-қизларга ижтимоий контракт асосида касб ўрганиш, меҳнат қилиш имконига эга бўлса, мустақил ёки Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлашиш бўйича ижтимоий мажбуриятларни юклаш тартиби жорий этилсин.

17. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг:

фарзандлари учун давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган ота-оналар бадалидан озод қилинсин;

3 ёшгача бўлган фарзандлари учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига Давлат бюджетидан субсидиялар белгиланган тартибда ажратилсин;

б) тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга рухсат берилсин;

в) кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз ҳузурида мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилганда, улардаги тарбиячиларнинг иш ҳақи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин.

Мактабгача таълим вазирлиги (А.В. Шин) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) икки ой муддатда мазкур банднинг «в» кичик бандида назарда тутилган компенсация тўловларини амалга ошириш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Белгилансинки:

алимент тўловчининг бошқа ижро ҳужжатлари бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлганда, қарздордан ундирилган маблағлар алимент тўловлари бўйича қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва навбатда тақсимланади. Худди шу каби, ижро ҳаракатлари давомида қарздорга солинган жарималар ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш ҳаражатлари ҳам алимент тўловларидан жорий қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг ундирилади;

алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаб келаётган ва қидирувга эълон қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий ижро органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириш, шунингдек, давлат оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиёти жорий этилади. Бунда, ушбу манбаларда қидирувдаги шахслар ва уларнинг мол-мулки тўғрисида маълумотга эга бўлган фуқароларга мажбурий ижро ва ички ишлар органларига хабар бериш имконияти яратилади.

19. Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) ва Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) уч ой муддатда алимент тўловларини ундириш тизими самарадорлигини ошириш юзасидан қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин. Бунда, шу жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

а) алимент бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда қарздорлик тўлиқ бартараф этилгунига қадар:

қарздорнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш;

қарздорга лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга бўлган давлат хизматларини вақтинча кўрсатмаслик;

б) алимент бўйича қарздорлик мавжудлигини никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳолат сифатида белгилаш.

20. Мажбурий ижро бюроси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда «Алимент тўловлари» давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилсин ва унга Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 50 миллиард сўм ажратилсин.

Белгилансинки, суд қарори билан алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахслардан белгиланган маблағларни уч ой ичида ундириш имкони бўлмаган ҳолларда «Алимент тўловлари» давлат мақсадли жамғармаси маблағлари алимент тўловлари бўйича шаклланган қарздорликни бир йўла тўлаш учун йўналтирилади ҳамда кейинчалик алимент тўлаш мажбурияти юклатилган қарздордан суд қарорисиз мажбурий тартибда ундириб олинади.

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) икки ой муддатда «Алимент тўловлари» давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини йўлга қўйиш, жамғарма маблағлари ҳисобидан алимент тўлов-

ларидан қарздорлик тўланадиган ҳолатлар ва шахслар тоифасини белгилаш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларга хос бўлган касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш мақсадида:

а) Қўмита (З.Б. Махкамова) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А. Мусаев) икки ой муддатда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган эҳтиёжманд 6 минг нафар хотин-қизлар, реабилитация воситалари билан таъминланишга муҳтож бўлган 10 минг нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизлар рўйхатларини Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А. Мусаев):

Қўмита (З.Б. Махкамова) билан ҳамкорликда 2022 йилда 3 миллион нафар хотин-қизлар онкологик скринингдан ўтказилишини таъминласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) билан бирга-ликда 2022 — 2025 йиллар давомида 227 та туғуруқ комплекси ва 46 та туманлараро перинатал марказларни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг 105 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни жалб қилсин;

в) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2022 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар ажратилишини таъминласин:

юқори технологик тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар учун Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига қўшимча — 100 миллиард сўм;

ногиронлиги бўлган хотин-қизларни реабилитация воситалари билан таъминлаш учун Тиббий ва ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига қўшимча — 17 миллиард сўм;

барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибидаги «Онко-назорат» («Сапсег — назорат») аёллар кўрик хоналарини тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий воситалар билан жиҳозлаш учун — 20 миллиард сўм;

9 — 12 ёшдаги 815 минг нафар ўсмир қизларни одам папилломаси вирусига қарши ҳамда 12 турдаги вакциналар билан эмлаш учун — 200 миллиард сўм.

22. Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов), Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев), Олий суд (К.Ф. Камилов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) ва Қўмита (З.Б. Махкамова) 2022 йил 1 июнга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордер суд томонидан бир йил муддатгача берилишини белгилаш;

чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алимент мажбуриятларини бажармаганлик учун судланган ёки маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини чеклаш бўйича мажбурлов чораларини қўлламаслик;

аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

яқин қариндоши бўлган хотин-қизга қасддан тан жароҳати етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

шаҳс ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва номусини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш;

икки ойдан ортиқ муддат мобайнида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахсга нисбатан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ёки бошқа ишга мажбурий жалб қилиш тарзидаги маъмурий ҳуқуқбузарликка оид жазо турини белгилаш.

23. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев) Қўмита (З.Б. Махкамова) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) билан биргаликда уч ой муддатда:

иктидорли қизларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда интеллектуал ва инновацион ташаббусларини ривожлантириш мақсадида «Билимдон қизлар» телекўрсатуви;

турли соҳаларда ютуқларга эришган хотин-қизлар тўғрисида ибодат, поклик, сабр-тоқат ва илмга интилиш сингари эзгу қадриятларни тарғиб қилувчи «Аёл муваффақияти» рукнидаги теледастурлар тайёрланиши ҳамда эфирга узатилишини таъминласин.

24. Фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётини тажрибаларини оммалаштириш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларга бериладиган «Ибратли оила» кўкрак нишони таъсис этилсин ва уни 15 май — Халқаро оилалар кунини топшириш тартиби белгилансин.

Қўмита (З.Б. Махкамова) бир ой муддатда «Ибратли оила» кўкрак нишони тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Қўмита (З.Б. Махкамова) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилиш мақсадида:

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т.К. Нарбаева — 10-банд;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов — 3-банд;

Бош вазир ўринбосари З.Б. Махкамова — 1, 4, 5, 22 — 25-бандлар;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров — 2, 6 — 9, 11, 13 — 16, 20-бандлар;

Бош вазир ўринбосари С.Ў. Умурзаков — 12-банд;

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев — 17 — 19, 21-бандларда назарда тутилган тадбирлар ижроси сифатли ва ўз вақтида таъминланиши учун масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т.К. Нарбаева ва Бош вазир ўринбосари З.Б. Махкамova ҳар уч ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 март,
ПФ-87-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

103 Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги 28-сон «Йўқолган ашёларни қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон қарори (рўйхат рақами 2894, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 25-сон, 569-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 февраль,
312/6-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил
28 февралдаги 312/6-сон қарорига
ИЛОВА

Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 47-банддаги «20 кун ичида» деган сўзлар «бир иш кунида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 48-банднинг учинчи хатбошисидаги «топилмалар бюросининг тегишли» деган сўзлар «давлат хизматлари марказининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

104 Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом- нинг 38-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-8*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон қарори (рўйхат рақами 2793, 2016 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 22-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 38-бандидаги «бир ой муддатда» деган сўзлар «бир иш кунида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 февраль,
312/7-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

105 **Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг 35-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988-5

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 2 февралдаги ЎРҚ–749-сон «Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ **бюроаман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сон буйруғи (рўйхат рақами 1988, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 353-модда) билан тасдиқланган Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг 35-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисми ва 8-моддаси биринчи қисмига мувофиқ товар белгисига талабнома топшириш ҳуқуқига юридик ёки жисмоний шахс (бундан кейинги ўринларда талабнома берувчи деб юритилди) эгадир.».

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 март,
5-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

106 Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3229-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ–6313-сон «Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/12-сон қарори (рўйхат рақами 3229, 2020 йил 13 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2020 й., 10/20/3229/0455-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 февраль,
2/8-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
21 февралдаги 2/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар
тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«маблағларни тўловчининг идентификация рақами — юридик шахслар тўловчи сифатида иштирок этадиган тўлов ҳужжатларида солиқ тўловчининг идентификация рақами ва жисмоний шахслар тўловчи сифатида иштирок этадиган тўлов ҳужжатларида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами кўрсатиладиган тўлов ҳужжатининг реквизити;»;
ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
2. 6-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. 13-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«маблағларни тўловчининг идентификация рақами;».
4. 35-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мижоз томонидан солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этилган тўлов топшириқномалари тегишли солиқ органининг ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаати, суд қарори ҳамда маблағларни тўловчининг тугатилганлигини тасдиқловчи маълумотлар асосида 2-сон картотекадан чақириб олиниши мумкин.».
5. 1 — 5-иловалардаги «Маблағларни тўловчининг СТИРи» деган сўзлар «Маблағларни тўловчининг идентификация рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

107 Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/3-сон қарори (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 февраль,
2/9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
21 февралдаги 2/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали
электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги 9-кичик банд билан тўлдирилсин:

«9) тўловчининг идентификация рақами — юридик шахслар тўловчи сифатида иштирок этадиган электрон тўлов ҳужжатларида солиқ тўловчи-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 мартда эълон қилинган.

нинг идентификация рақами ва жисмоний шахслар тўловчи сифатида иштирок этадиган электрон тўлов ҳужжатларида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами кўрсатиладиган электрон тўлов ҳужжатининг реквизити.».

2. 18-бандда:

а) 4-кичик бандда:

биринчи хатбошидаги «инкассо топшириқномасини (ТХК 11) ва масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ўтказилган тўлов топшириқномаси (ТХК 21)» деган сўзлар «инкассо топшириқномасини (ТХК 11), масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ўтказилган тўлов топшириқномаси (ТХК 21) ва масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ўтказилган тўлов талабномасини (ТХК 22)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тўловчининг идентификация рақами;»;

б) 5-кичик банднинг олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тўловчининг идентификация рақами;».

3. 33-бандда:

1-кичик банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит операциялари (ТХК — 01, 02, 05, 06, 11, 21, 22) бўйича:»;

2-кичик банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит операциялари (ТХК — 01, 02, 05, 06, 11, 21, 22) бўйича:».

4. 34-бандда:

1-кичик банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит операциялари (ТХК — 01, 02, 05, 06, 11, 21, 22) бўйича:»;

2-кичик банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит операциялари (ТХК — 01, 02, 05, 06, 11, 21, 22) бўйича:».

5. 37-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Қайта ишлаш жараёнида келиб тушган ЭТХлар ички назорат ва электрон рақамли имзо текширувидан ўтади. Назоратдаги реквизитлар ёки электрон рақамли имзода хатолар аниқланганда, хато ЭТХлари қайта ишладан чиқариб ташланади. Шунингдек, ЭТХ БДМАБ базасида бенефициар банк ва ташаббускор банк мижозларининг ҳисобварақлари ҳамда тўловчиларнинг идентификация рақамлари мавжудлиги бўйича реквизитлар назоратидан ўтади. Агар ЭТХнинг реквизитларида кўрсатилган ҳисобварақлар ва тўловчининг идентификация рақами БДМАБ маълумотлари билан мос келмаса, ушбу ЭТХ тегишли хатолик коди кўрсатилган ҳолда яроқсиз деб топилади.».

6. 2 — 6-иловалардаги «Тўловчининг СТИРи» деган сўзлар «Тўловчининг идентификация рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 8-илова қўйидаги мазмундаги 7-позиция билан тўлдирилсин:

«

7.	Масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ўтказилган тўлов талабномаси	22
----	--	----

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**108 Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3352*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 5 март,
52-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2022 йил 5 мартдаги
52-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ички ишлар органларида хизматга номзодларни
танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома ички ишлар органларида хизматга (бундан буён матнда хизмат деб юритилади) номзодларни танлаб олиш тадбирларини (бундан буён матнда танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Номзодлар хизматга ихтиёрий тартибда, ички ишлар органларидаги

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 мартда эълон қилинган.

мавжуд бўш лавозимлардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари томонидан танлов асосида қабул қилинади.

Танловда иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди.

2. Номзодларга қўйиладиган умумий талаблар, танловда иштирок этиш учун мурожаат қилиш ҳамда танловдан муваффақиятли ўтган номзодларни хизматга қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга (бундан буюн матнда Низом деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади.

3. Низомга асосан:

а) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари танловнинг дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ҳамда интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш босқичларидан муваффақиятли ўтган тақдирда, яқуний суҳбатсиз хизматга қабул қилинади;

б) мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида* келтирилган рўйхатга мувофиқ ички ишлар органларининг тор ихтисослик бўйича мутахассисликлар талаб этиладиган айрим лавозимларига тегишли тор ихтисослик бўйича мутахассисликка эга бўлган номзодлар танловсиз қабул қилинади;

в) мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида* келтирилган рўйхатга мувофиқ ички ишлар органларининг алоҳида мутахассислик талаб этиладиган лавозимларига ушбу мутахассисликка эга бўлган номзодларгина танлов асосида (бундан мазкур Йўриқноманинг 1-иловасидаги рўйхатга мувофиқ тор ихтисослик бўйича мутахассисликлар талаб этиладиган лавозимлар учун номзодлар мустасно) қабул қилинади;

г) мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида* келтирилган рўйхатга мувофиқ ички ишлар органларининг айрим бўлинмалари ва лавозимларига ўттиз ёшдан катта бўлган фуқаролар қабул қилиниши мумкин;

д) қуйидаги номзодлар, истисно тариқасида, танлов тадбирларининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичидан озод қилинади ҳамда уларга ушбу босқич бўйича максимал балл берилади:

илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган номзодлар;

олий таълимни имтиёзли диплом билан тамомлаганлар;

профессор-ўқитувчи ва илмий таркиб лавозимларига номзодлар;

иш юритиш ҳамда таҳлилий ва юридик таъминлаш бўлинмаларидаги лавозимларга номзодлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 январдаги 23-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан, ёш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларининг махсус талабларини муваффақиятли бажарган (1, 2 ва 3-ўрин ғолиблари) фуқаролар бир йил мобайнида танловнинг жисмоний тайёргар-

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лик даражасини баҳолаш босқичидан озод қилинади ҳамда уларга ушбу босқич бўйича максимал балл берилади.

5. Сўнги беш йил ичида республика миқёсидаги спорт мусобақасининг фолиби бўлган ёки халқаро миқёсдаги спорт мусобақасининг 1 — 3-ўринларидан бирини эгаллаган спортчилар, истисно тариқасида, хизматга фақатгина яқуний суҳбат асосида қабул қилинади.

6. Хизматга қабул қилишда номзодлар бўйининг баландлиги қуйидаги махсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади (бундан мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган лавозимлар бўйича номзодлар мустасно):

эркак жинсидаги номзодларнинг бўйи — 165 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак;

аёл жинсидаги номзодларнинг бўйи — 160 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак.

Мазкур Йўриқноманинг 4-илоvasида* келтирилган рўйхатга мувофиқ Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг айрим лавозимларига номзодлар бўйининг баландлиги алоҳида антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади.

7. Танлов тадбирларининг исталган битта босқичидан ўта олмаган номзодга уни такроран топширишга, шунингдек танлов тадбирларининг кейинги босқичига ўтишга рухсат берилмайди. Бунда, номзод кейинги танловларга дастлабки ўрганиш босқичидан бошлаб қайта қатнашиши мумкин.

8. Танлов тадбирлари давомида фахрийлар кенгаши аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва номзодларнинг яқин қариндошлари (бундан буён матнда жамоатчилик вакиллари деб юритилади) иштирок этишлари мумкин.

Бунда, жамоатчилик вакиллари саралаш тадбирларини ўтказиш жараёни ва унинг натижаларидан норози бўлган тақдирда танловнинг тегишли комиссияси раисига ёзма равишда мурожаат қилишлари ва ўз таклиф ҳамда эътирозларини билдиришлари мумкин. Жамоатчилик вакилларининг мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда кўриб чиқиши лозим.

2-боб. Танлов тадбирларини ташкиллаштириш

9. Хизматга муносиб номзодларни танлаб олиш мақсадида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади, оммавий ахборот воситаларида ҳамда ички ишлар органларининг расмий нашрлари, веб-сайтларида бўш лавозимлар тўғрисида, шунингдек танлов ўтказилишидан камида бир ой олдин танлов ўтказиш жойи ва кунлари тўғрисида эълонлар жойлаштирилади.

10. Жамоатчилик вакиллари танловларни реал вақт режимида (онлайн)

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кузатиб боришлари учун танлов тадбирлари видеокузатув (онлайн трансляция) остида ўтказилади.

11. Хизматга кириш истагини билдирган номзодлар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги ички ишлар органига мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига* мувофиқ шаклдаги ариза билан унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат этади:

биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

қариндошларнинг (ота-она, эр-хотин, фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари) биометрик паспорти ёки идентификация ID-картаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

ўқиш ва иш (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса) жойидан тавсифнома; номзод томонидан қўлда ёки компьютерда ёзилган таржимаи ҳол; анкета-маълумотнома;

харбий гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан белгиланган намунадаги соғлиғининг ҳолати ҳақида маълумотнома (бўйнинг баландлиги бўйича антропометрик параметри кўрсатилган ҳолда).

Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати ва Ички ишлар вазирлиги Академиясига, шунингдек Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига хизматга кириш истаги бўлган номзодлар, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, тегишлилигига кўра, Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратига, Ички ишлар вазирлиги Академиясига ёки Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига мурожаат қилади.

Танлов тадбирлари бошланганидан кейин мурожаат қилган номзодлар ушбу танловда эмас, балки кейинги танловда иштирок этишлари мумкин бўлади.

12. Навбатдаги танлов тадбирлари бошланишидан ўн кун олдин тегишли ички ишлар органлари томонидан танловда қатнашиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган номзодларга саралаш тадбирларининг бошланиш вақти ва жойи ҳақида хабар берилади.

13. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун Ички ишлар вазирлигининг тегишли таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари (бундан буён матнда ички ишлар органлари бошлиқлари деб юритилади) буйруғи билан мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига* мувофиқ таркибда, аъзолари сони тоқ сондан иборат бўлган Танлов тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари (бундан буён матнда Қабул комиссияси деб юритилади) тузилади.

Танловлар шаффоф ва ошкора тарзда ўтказилишини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида Қабул комиссияси фаолиятида иштирок этиш учун ихтиёрийлик асосида жамоатчилик вакиллари таклиф этилиши мумкин.

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Ички ишлар органлари бошлиқларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўйича тегишли ўринбосарлари Қабул комиссиялари фаолиятига раҳбарлик қилади ва қўйидагиларни амалга оширади:

Қабул комиссияси ишини ташкиллаштиради ҳамда унга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини таъминлайди;

Қабул комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Қабул комиссияси таркибидаги кичик комиссияларни шакллантиради ва таркибини тасдиқлайди;

кичик комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

танловларни видеокузатув қурилмалари орқали реал вақт режимда (онлайн) кузатиб бориш имконияти яратилишини ташкиллаштиради.

15. Қабул комиссияси таркибида қўйидаги йўналишлар бўйича кичик комиссиялар тузилади:

тегишли соҳавий хизмат раҳбарлари ҳамда кадрлар билан таъминлаш бўлинмаси раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган номзодларни дастлабки ўрганиш бўйича кичик комиссия;

касбий тайёргарлик, шахсий хавфсизлик, тиббиёт бўлинмалари, Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчилари ва соҳавий хизмат ходимларидан иборат таркибда тузиладиган жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича кичик комиссия;

мутахассис-психологлар ва бевосита уларнинг бошлиқларидан иборат таркибда тузиладиган интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш бўйича кичик комиссия.

16. Танловлар номзоднинг хоҳишига кўра, ўзбек, қорақалпоқ ёки рус тилларида ўтказилади.

17. Танлов тадбирлари қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

дастлабки ўрганиш (Низом ҳамда мазкур Йўриқномада белгиланган талабларга мос келишни текшириш);

жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;

интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш;

яқуний суҳбат.

3-боб. Номзодларни дастлабки ўрганиш

18. Дастлабки ўрганиш учун ҳозир бўлган номзодларнинг Низомда белгиланган умумий талаблар ва мазкур Йўриқноманинг 5-бандида назарда тутилган талабларга жавоб беришини аниқлаш мақсадида дастлабки ўрганиш бўйича кичик комиссия (бундан буён мазкур бобда кичик комиссия деб юритилади) томонидан номзодлар тақдим қилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилади ҳамда уларнинг бўйи ўлчанади.

19. Номзоднинг бўйи талабга жавоб бермаган ҳолларда, унга дастлабки ўрганиш тадбирларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

20. Ҳужжатларида камчилик аниқланган номзодга ушбу камчиликни

бартараф этиши ва навбатдаги қабул кунда ҳозир бўлиши кичик комиссия аъзолари томонидан тушунтирилади.

21. Дастлабки ўрганиш давомида Низом ва мазкур Йўриқномада белгиланган талабларга мос деб топилган номзодлар шу вақтнинг ўзида суҳбатдан ўтказилади.

22. Суҳбат кичик комиссиянинг суҳбат ўтказилишига масъул бўлган аъзоси (аъзолари) томонидан номзодга Низом ва мазкур Йўриқнома талаблари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хизматни ўташ билан боғлиқ шартлар ва имтиёзлар, хизматнинг зарарли ва хавfli жиҳатларини тушунтириш ҳамда номзоднинг хизматга кириш истаги бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

23. Кичик комиссия томонидан номзодни дастлабки ўрганиш босқичида ўтказилган тадбирлар натижалари умумлаштирилиб, шу куннинг ўзида номзодни танловнинг кейинги босқичига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш ҳақида хулоса чиқарилади.

Ўрганиш натижалари бўйича барча номзодларга мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига* мувофиқ шаклдаги дастлабки ўрганиш варақаси расмийлаштирилади ва номзодларга имзолатган ҳолда таништирилади.

24. Кичик комиссиянинг масъул аъзоси танловнинг дастлабки ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг ҳужжатлари ва дастлабки ўрганиш натижаларини ягона йиғма жилдда жамлайди.

4-боб. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш

25. Танловнинг дастлабки ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида танловнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбири ўтказилади.

26. Номзодлар жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларини бажаришни бошлашдан олдин уларга жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича кичик комиссия (бундан буён мазкур бобда кичик комиссия деб юритилади) аъзолари томонидан машқларни бажаришга қўйилган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари тушунтирилади.

27. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш уларнинг мазкур бобда назарда тутилган машқларни бажаришларини текшириш орқали амалга оширилади.

28. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбири бошланишидан олдин номзод кичик комиссиянинг масъул аъзоларига ўзини биометрик паспорти ёки идентификация ID-картасини кўрсатган ҳолда таништирилади.

29. Номзодлар машқларни спорт кийимида бажаришлари тавсия этилади.

30. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёр-

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар эркак ва аёл жинсидаги номзодлар учун алоҳида белгиланади.

31. Қўйидагилар эркак жинсидаги номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

куч ишлатиш машқи — тўсинда (турникда) тортилиш;

тезликка оид машқ — 100 метрга югуриш;

чидамлилиқка оид машқ — 1000 метрга югуриш.

32. Қўйидагилар аёл жинсидаги номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

куч ишлатиш машқи — куч ишлатиш машқлари комплекси;

тезликка оид машқ — 100 метрга югуриш;

чидамлилиқка оид машқ — 1000 метрга югуриш.

33. Жисмоний тайёргарлик машқлари қўйидаги кетма-кетликда бажарилади:

биринчи навбатда — куч ишлатиш машқлари;

иккинчи навбатда — тезликка оид машқлар;

учинчи навбатда — чидамлилиқка оид машқлар.

34. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажариш оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

35. 100 метрга югуриш машқи стадионнинг югуриш йўлакчасида ёхуд каттиқ қопламали текис жойларда юқори ёки қўйи стартдан қўйидагича амалга оширилади:

«Старт» командаси бўйича старт олиш чизигига яқинлашиш;

«Диққат» командаси бўйича тананинг оғирлигини олдинда турган оёққа ўтказиш, гавда ва бошни олдинга эгиш, қўлларни тирсакка букиш;

«Олға» командаси бўйича югуришни бошлаш.

36. Қўйидагилар тўсинда (турникда) тортилиш машқига қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

бош бармоқ тўсин ичкарисидан ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғриланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк тўсидан (турникдан) ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этиши мумкин);

оёқларни 45° гача қўтаришга рухсат этилади.

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

37. 1000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчасида ёхуд каттиқ қопламали текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади.

Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин. Бунда, югуриш ҳудудидан чиқиб кетган ёки югуришдан юриш ҳолатига ўтган иштирокчи машқни бажармаган ҳисобланади.

38. Номзод томонидан куч ишлатиш машқлари комплексини бажаришда 1 дақиқа ичида 2 та машқ узлуксиз бажарилиши керак.

Ҳар бир машқни бажариш учун 30 сониядан вақт ажратилади. Бирин-

чи машқни бажариш учун ажратилган 30 сония вақт тугаганлиги эълон қилинганда, номзод дарҳол иккинчи машқни бажаришга киришади.

39. Қўйидагилар биринчи машқни бажаришга қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

чалқанча ётилади;

қўллар белда, тиззалар букилмаган ҳолда оёқлар тўпиқ қисмидан бошқа бир шахс ёрдамида босилиб, ушланади;

дастлабки ҳолатдан гавда олдинга кўтарилиб, қўллар оёқ учига текканидан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида тиззаларни букиш ва оёқларни тепага кўтариш тақиқланади.

40. Қўйидагилар иккинчи машқни бажаришга қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

таяниб ётилади, қўллар елка кенглигида тиззалар букилмаган ҳолатда бўлади;

қўллар букилиб ёзилади (бунда, бел ҳамда елка қисмлари биргаликда ва текис тушиб чиқиши шарт);

қўллар букилиб тана ерга нисбатан параллел ҳолатга келтирилганидан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида қўллар чала букилиб ёзилиши, бел ва елкалар ҳар хил тушиб чиқиши, тиззаларнинг ерга тегиши тақиқланади.

41. Мазкур бобда назарда тутилган машқларни бажариш тартибини бузган номзодга шу машқ бўйича балл қўйилмайди.

42. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига* мувофиқ амалга оширилади. Бунда, номзодга ҳар бир машқни бажарганлик учун балл берилади. Умумий тўпланиши мумкин бўлган максимал балл — 30 баллни ташкил этади.

43. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирлари ўтказилган кундан кейинги кундан кечиктирмай унинг натижалари бўйича мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва натижалар номзодларга эълон қилинади.

44. Қайднома кичик комиссиянинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тадбирда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади.

45. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларидан жами тўпланган бали 15 баллдан паст бўлган номзодлар саралашнинг кейинги босқичига ўтказилмайди.

46. Танловнинг якуний натижаларини ҳисоблашда жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларидан тўпланган баллар якуний суҳбат давомида тўпланган баллар билан биргаликда қўшиб ҳисобланади.

5-боб. Номзодларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш

47. Танловнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичи-

* 8-9-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дан муваффақиятли ўтган номзодларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини аниқлаш мақсадида психологик ўрганиш ўтказилади.

48. Номзодларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш психологик тест синовидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

49. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари ва жавоблар бланкалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Психологик тестлар номзодларнинг қўйидаги психологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилади:

ақл-заковат, умумий интеллектуал салоҳият ва хотира;

мантикий фикрлаш, зийраклик, тафаккур шаклларининг ривожланганлик даражаси, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилияти;

шахсга хос индивидуал хусусиятлар, киришимлилиқ, психик турғунлик, самимийлик.

50. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари ва жавоблар бланкалари Қабул комиссияси котибида сақланади, котиб тестлар ва уларнинг жавоблари ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.

51. Психологик ўрганиш бошланишидан аввал номзодлар интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш бўйича кичик комиссия (бундан буён мазкур бобда кичик комиссия деб юритилади) аъзолари томонидан психологик ўрганишни ўтказиш тартиби, ҳар бир вазифа бўйича назарда тутилган баҳолаш мезонлари билан таништирилади.

52. Номзодлар психологик ўрганиш ўтказиладиган хонага ўзининг биометрик паспорти ёки идентификация ID-картасини кўрсатган ҳолда киририлади.

53. Тест синовлари ўтказилаётган хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, калькулятор ҳамда бошқа телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

54. Номзодлар барча ҳаракатларни комиссия аъзолари кўрсатмаларига мувофиқ бажаради. Мазкур кўрсатмаларга амал қилмаган номзод хонадан чиқариб юборилади ҳамда у тест синовларини бажармаган ҳисобланади.

55. Номзодлар билан тест синовлари яқка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўтказилиши мумкин. Тест гуруҳ таркибида ўтказилганда, хонада номзодлар сони 30 нафардан ошмаслиги зарур.

56. Тест бошлангунга қадар номзодлар соғлиғининг ҳолати суриштирилади. Ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган номзодлар шу куни тест синовида қўйилмайди. Бундай ҳолларда номзодга бошқа куни қайта тест синовидан ўтиш учун рухсат берилиши лозим.

57. Психологик ўрганиш давомида номзодларга икки қисмдан иборат бўлган тест асосида вазифалар берилади.

Бунда, биринчи қисмда (интеллектуал ривожланганлик даражасини ўрганиш) номзодларга 40 та топшириқдан иборат бўлган 3 та вазифа, ик-

кинчи қисмда эса, (психоэмоционал барқарорлик даражасини ўрганиш) 141 та саволдан, шунингдек жавобларнинг самимий ёки носамимийлигини аниқлаш йўналиши бўйича бериладиган 15 та саволдан иборат 1 та вазифа берилади.

58. Номзодга берилган вазифаларни бажариш учун 1 соат 30 дақиқа, шунингдек ҳар бир вазифани ўқиб чиқиш учун қўшимча 5 дақиқадан — умумий 1 соат 50 дақиқа вақт берилади.

59. Саволларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, жавоб вариантлари берилиши ёки берилмаслиги мумкин. Номзодлар тест саволларига жавоб вариантларини белгилашда жавоблар варақасидаги вариантлардан фақат битта тўғри жавобни белгилаши лозим.

60. Тест синовларини топшириш вақтида номзоднинг хонадан чиқиши тақиқланади, бундан номзоднинг соғлиғи ёмонлашган ҳолатлар мустасно.

61. Тест синовларини ўтказиш вақтида синовлар ўтказилаётган хонада номзодлар ҳамда кичик комиссия аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

62. Номзоднинг психологик тест саволларига берган жавоблари 2 кун ичида мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига* мувофиқ Психологик тест натижаларини ҳисоблаш жадвали асосида кичик комиссия аъзолари томонидан ҳисоблаб чиқилади.

63. Психологик тестларни бажармаган, шунингдек тест натижалари қониқарсиз баҳоланган номзодларга синовни қайта топширишга рухсат берилмайди.

64. Тест синовининг натижалари бўйича, у ўтказилган кундан бошлаб 2 кун ичида кичик комиссиянинг психологик ўрганиш тадбирларида иштирок этган аъзолари томонидан мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва имзоланади.

Психологик ўрганиш натижалари қайднома расмийлаштирилган куннинг ўзида номзодларга эълон қилиниши лозим.

65. Психологик ўрганиш натижаларига асосан қуйидаги хулосалардан бири чиқарилади:

ички ишлар органларида хизматга тавсия этиш ҳақида;

ички ишлар органларида хизматга тавсия этмаслик ҳақида.

66. Баҳолаш натижаларига кўра, ички ишлар органларида хизматга тавсия этилган номзодларгина якуний суҳбатга қўйилади.

6-боб. Якуний суҳбат ўтказиш

67. Якуний суҳбат номзодларнинг ақлий салоҳияти, хизмат ўташга руҳан тайёрлиги, киришимлилиги, шунингдек ходим учун зарур бўлган бошқа маънавий-ахлоқий ва касбий жиҳатдан муҳим хислатларга эгаллигини аниқлаш мақсадида ҳуқуқшунослик ва «тарбия» фанлари бўйича билимларни ҳамда касбга оид умумий дунёқарашни баҳолаш орқали оғзаки савол-жавоб тарзида ўтказилади.

* 10-11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

68. Якуний суҳбатга танловнинг дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ҳамда интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш тадбирларидан муваффақиятли ўтган номзодлар киритилади.

69. Якуний суҳбатда, қоида тариқасида, бир лавозимга камида иккита номзод иштирок этиши лозим. Бунда, танлов натижасига кўра, якуний суҳбатга киришга фақатгина битта номзод тавсия этилган бўлса, кейинги танловлар натижасига кўра, камида яна бир нафар номзод тавсия этилгунга қадар якуний суҳбат ўтказилмайди (мазкур Йўриқноманинг 3-банди «д» кичик банди ҳамда 5-бандида назарда тутилган номзодларни якуний суҳбатдан ўтказишда ушбу талаб қўйилмайди).

70. Якуний суҳбат Қабул комиссияси томонидан коллегиялик принципи асосида ҳар бир фан бўйича Ички ишлар вазирлиги тизимидан камида бир нафардан малакали мутахассис жалб этилган ҳолда ўтказилади.

71. Якуний суҳбат саволлари базаси Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармаси томонидан тегишли соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади ва Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармаси томонидан вазирликнинг расмий веб-сайтига мунтазам равишда жойлаштириб борилади.

Бунда, номзодларга Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилмаган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

72. Имтиҳон ўтказилишидан бир соат олдин Қабул комиссияси аъзолари иштирокида компьютерда махсус дастурдан фойдаланган ҳолда саволлар базасидан ҳар бир фандан 1 тадан — жами 3 та савол кўрсатилган билетлар шакллантирилади. Билетларда саволларнинг такрорланишига йўл қўйилмайди.

73. Номзодларга якуний суҳбат ўтказиладиган хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, калькулятор ҳамда бошқа телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

74. Номзодлар якуний суҳбат ўтказиладиган хонага биометрик паспорти ёки идентификация ID-картасини кўрсатган ҳолда киритилади.

75. Номзодларга якуний суҳбат ўтказиш бўйича асосий тушунчалар ва зарур маълумотлар танлов тадбири бошланишидан олдин Қабул комиссияси аъзолари томонидан берилади.

76. Номзодлар билетни ихтиёрий равишда танлаб олади ва ундаги саволларга ихтиёрий кетма-кетликда жавоб беради.

Ҳар бир билетда қуйидаги йўналишлар бўйича саволлар киритилади:

биринчи савол — ҳуқуқшунослик фани;

иккинчи савол — «тарбия» фани;

учинчи савол — касбга оид умумий дунёқарашни аниқлашга қаратилган савол.

77. Номзодларга саволларга тайёргарлик кўришлари учун 15 дақиқа вақт берилади. Агарда номзод ушбу вақтдан фойдаланишни лозим деб топмаса, тайёргарлик кўрмасдан жавоб беришига рухсат этилади.

78. Номзодлар билетга тайёргарлик кўришлари учун якуний суҳбат ўтказиш хонасига туташ бўлган алоҳида аудитория ажратилади. Унга 5 нафаргача номзодлар киритилиб, билетларга тайёргарлик кўриш жараёни Қабул комиссияси котиби томонидан назорат қилинади.

79. Номзодлар саволларга берган жавобларига қараб, қуйидаги мезонлар асосида ҳар бир савол бўйича «10» баллик тизимда баҳоланади:

номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — 8 — 10 балл;

номзод мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 5 — 7 балл;

номзод моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 3-4 балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб топилганда — 1-2 балл қўйилади;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — балл қўйилмайди.

80. Номзодларга қўйилган баллар умумлаштирилади. Бунда, якуний суҳбат давомида тўпланиши мумкин бўлган максимал балл — 30 баллни ташкил этади.

81. Якуний суҳбатга қатнашмаган номзодларга балл қўйилмайди.

82. Якуний суҳбат ўтказилган кундан кейинги кундан кечиктирмай унинг натижалари номзодларга эълон қилинади.

Қабул комиссияси котиби томонидан номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва якуний суҳбат тадбирларида тўплаган баллари умумлаштирилиб, мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига* мувофиқ шаклда Танлов натижалари бўйича қайднома (бундан буён матнда қайднома деб юритилади) расмийлаштирилади. Умумлаштирилгандаги максимал балл — 60 баллни ташкил этади.

83. Қайднома Қабул комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ҳамда тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этилади.

Қайдноманинг кўчирма нусхаси номзодлар ва бошқа фуқаролар кўриши учун қулай бўлган жойда (ахборот стендлари ёки ички ишлар органларининг хизмат бинолари деворларида) илиб қўйилади.

84. Ички ишлар органларидаги мавжуд бўш лавозимлар сонини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва якуний суҳбатнинг умумлаштирилган натижаларига кўра, энг юқори балл тўплаган номзодлар хизматга қабул қилинади.

85. Агар икки ёки бир нечта номзодларнинг умумий тўплаган баллари тенг бўлиб қолса, уларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш тадбирида қайд этган натижаси инобатга олинган ҳолда энг яхши кўрсаткичга эга номзод танлаб олинади.

86. Танлов тадбирлари бошланишидан олдин дастлабки ўрганиш, жис-

* 12-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

моний тайёргарлик даражасини баҳолаш, интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорликни баҳолаш ҳамда якуний суҳбат натижалари юзасидан номзодларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш учун Қабул комиссияси раисининг буйруғига асосан Апелляция комиссияси ташкил этилади.

87. Апелляция комиссиясига ариза ва шикоятлар танловнинг тегишли босқичи бўйича натижалар эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта мобайнида тақдим этилиши мумкин.

88. Апелляция комиссияси тақдим этилган ариза ва шикоятларни улар тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмаган муддатда мурожаат қилган номзод иштирокида кўриб чиқади.

Апелляция комиссияси қарори устидан белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

89. Танлов тадбирлари давомида расмийлаштирилган барча ҳужжатлар (дастлабки ўрганиш варақалари, қайдномалар ва комиссия баённомаларининг нусхалари) номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига бириктириб қўйилади.

90. Танловдан ўтмаган номзодлар бўйича танлов тадбирлари давомида расмийлаштирилган барча ҳужжатлар ҳамда танловнинг барча босқичлари акс этган видеотасвир материаллари кадрлар билан таъминлаш бўлинмаларида беш йил муддат давомида сақланади, кейин эса далолатнома асосида йўқ қилинади.

7-боб. Якуний қоида

91. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**109 «Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал
архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгарти-
ришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил 22 декабрдаги 19, 201 ва 106-сон «Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2168, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 501-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 март,
3-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 март,
708-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 мартда эълон қилинган.

Молия вазири**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 10 март,
6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг 2022 йил 10 мартдаги
3-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлигининг 2022 йил 2 мартдаги 708-сон
ва Молия вазирлигининг 2022 йил
10 мартдаги 6-сон қарорига
ИЛОВА

**«Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал
архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат нотариал идоралари (бундан кейинги ўринларда нотариал идора деб юритилади) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивлар (бундан кейинги ўринларда нотариал архивлар деб юритилади) фаолиятини молиялаштириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тартибини белгилайди.»;

б) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «10» рақами «16» рақами билан алмаштирилсин;

в) 9-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 104-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорида (Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й, 22-сон, 175-модда)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Нотариал идора ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар ўрнатишга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири-нинг буйруғига асосан пулли хизматлар ва нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатларни амалга оширишдан келиб тушадиган маблағларнинг 80 фоизигача миқдордаги қисми ажратилади.

Ажратилган маблағларни нотариус ва унга бириктирилган ходимлар ўртасида тақсимлаш нотариуснинг таклифига асосан амалга оширилади.

Нотариус таклиф киритишда ходимнинг меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиши ҳамда унинг меҳнат самарадорлигини инобатга олиши лозим.

Ушбу мезонларга асосланган таклиф нотариус томонидан тасдиқланиб, тегишли ҳудудий адлия органига тақдим этилади.

Ҳудудий адлия органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан таклиф кўриб чиқилади ҳамда молия-иқтисод бўлимига тегишли кўрсатма берилади.

Нотариал архив ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар улар лавозим маошларининг 200 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**110 Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 майдаги 112-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3235, 2020 йил 29 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 10/20/3235/0698-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларининг матни иловага** мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2022 йил 15 мартдан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 март,
5-мх-сон

Келишилди:

**Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси**

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2022 йил 9 март

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 мартда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

111 Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3053-1

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 апрелдаги ЎРҚ–685-сон «Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Туризм ва спорт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 12 июлдаги 110, 2018-60, 4-ққ-сон қарори (рўйхат рақами 3053, 2018 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 33-сон, 686-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2022 йил 17 февраль,
3-сон

Т. ИШМЕТОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2022 йил 11 февраль,
2022-05-сон

Ш. КУДБИЕВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 мартда эълон қилинган.

Туризм ва спорт вазири**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 8 февраль,
11-МН-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2022 йил 17 февралдаги
3-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил
11 февралдаги 2022-05-сон ҳамда Туризм ва
спорт вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги
11-МН-сон қарорига
ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган
базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича амалга оширилади.»

2. 5-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган имтиёзга эга бўлиш учун солиқ тўловчи санитария-гигиеник тармоқларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари ёки туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимларининг хулосасини (бундан буён матнда Санитария-эпидемиология хизматининг хулосаси деб юритилади) олиши лозим.»;

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «Марказнинг» деган сўз «Санитария-эпидемиология хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 7-банддаги «Марказнинг» деган сўз «Санитария-эпидемиология хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

Б. МУСАЕВ

2022 йил 24 январь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2022 йил 22 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

112 Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидалари, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-6*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 декабрдаги 767-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 март,
12/02-22-00480-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 мартда эълон қилинган.

Келишилди:

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
вазирининг биринчи ўринбосари**

О. ПЕККОС

2022 йил 2 март

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил
4 мартдаги 12/02-22-00480-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 7 февралда 02/20-12-сон билан тасдиқланган Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидалари (рўйхат рақами 896, 2000 йил 11 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 3-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 13 ноябрдаги 01-02/12-46-сон «Халқаро почта жўнатувлари устидан божхона назоратининг вақтинчалик қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 896-1, 2015 йил 11 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 618-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 8 июндаги 01-02/12-41-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатувлари устидан божхона назоратининг вақтинчалик қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 896-2, 2016 йил 30 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 26-сон, 322-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 6 мартдаги 01-02/12-28-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатувлари устидан божхона назорати қоидаларининг 4.1²-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 896-3, 2018 йил 27 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2018 й., 10/18/896-3/0941-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 26 августдаги 01-02/12-58-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғриси-

да»ги қарори (рўйхат рақами 896-4, 2018 йил 29 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.10.2018 й., 10/18/896-4/1976-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 01-02/12-75-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларининг 5.6-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 896-5, 2019 йил 14 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 10/19/896-5/2479-сон).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2022 йил 28 февралдаги 312/6-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-5

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2022 йил 28 февралдаги 312/7-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 38-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-8

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 7 мартдаги 4-мх-сон «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларининг 35-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1988-5.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 21 февраль, 2/8-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3229-2.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 21 февралдаги 2/9-сон «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-4.

6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 5 март,

52-сон «Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3352.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 10 мартдаги 3-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 2 мартдаги 708-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 10 мартдаги 6-сон ««Давлат нотариал идоралари ва идоравий нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-7.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 10 мартдаги 5-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 17 февралдаги 3-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 11 февралдаги 2022-05-сон ҳамда Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 11-МН-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3053-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг 2022 йил 4 мартдаги 12/02-22-00480-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидалари, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-6.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 7 февралда 02/20-12-сон билан тасдиқланган Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидалари (рўйхат рақами 896, 2000 йил 11 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 896-1, 2015 йил 11 декабрь), (рўйхат рақами 896-2,

2016 йил 30 июнь), (рўйхат рақами 896-3, 2018 йил 27 март), (рўйхат рақами 896-4, 2018 йил 29 сентябрь), (рўйхат рақами 896-5, 2019 йил 14 январь).

2022 йил 11 мартда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

